ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБ

БИСМИЛЛАҲИР РАҲМОНИР РАҲИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барақатуҳу

Ташқи ишлар вазирингиз жаноб Абдулазиз Комиловнинг Саудия Арабистони Подшоҳлигига ташрифи чоғида Сиз Жаноби Олийларининг мактубингизни олдим. Сиз Жаноби Олийларига мактубда билдирилган дўстона ҳис-туйғулар учун миннатдорлик изҳор этаман. Усмон Қуръони нусхасидан иборат бўлган бебаҳо совғангиз билан фахрланаман ва совға учун ўз миннатдорлигимни билдираман.

Ташқи ишлар вазирингизнинг Саудия Арабистони Подшоҳлигига ташрифига икки томонлама муносабатларимизда самарали босқични бошловчи ижобий қадам сифатида қараймиз. Мазкур ташриф қардош мамлакатларимиз ўртасидаги биродарлик алоқаларини мустаҳкамлаш ва ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга ҳисса қўшишига ишонамиз. Сўзимнинг ниҳоясида Сиз Жаноби Олийларига яна бир бор ўз миннатдорлигимни изҳор этиб, Сизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, қардош Ўзбекистон халқига тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Аллоҳ Сизни ўз паноҳига олсин

Фаҳд бин Абдул Азиз Ол САУД,
Саудия Арабистони Подшоҳи, Икки Муқаддас Ҳарам Ходими.
Унинг номидан:
Абдуллоҳ бин Абдул Азиз Ол САУД,
Саудия Арабистони
Подшоҳлиги Валиаҳд шаҳзодаси.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муқаддас Ийд Ал-Фитр ҳайити муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига самимий қутловларимни йўллаб, қодир Аллоҳдан Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, дўст халқингиз ҳамда бутун ислом олами халқларига эзгулик ва фаровонлик ато этишни тилаш менга улкан мамнуният бахш этади.

Камоли эҳтиром ва биродарлик саломи ила,

биродарингиз

Муҳаммад Хусний МУБОРАК,
Миср Араб Республикаси Президенти.

***

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муқаддас Ийд Ал-Фитр ҳайити муносабати билан Тунис ҳукумати, халқи ва шахсан ўз номимдан Сиз Жаноби Олийларига самимий қутловларимни йўллаб, Сизга сиҳат-самломатлик, бахт-саодат, Ўзбекистоннинг биродар халқига эса янада равнақ тилаш менга улкан мамнуният бахш этади.

Илоё, Аллоҳимиз барча мусулмонларни ёрлақаб, халқларимиз фаровонлигини ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизда бизга мададкор бўлгай.

Зайн Ал Обиддин Бин АЛИ,
Тунис Республикаси Президенти.

***

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Сизни муборак Ийд Ал-Фитр ҳайити муносабати билан қутлаб, Сизга тангри таолонинг ёрлақаши, фаровонлик ва бахт-саодат, халқингиз ва ислом умматига эса равнақ ва шон-шараф тилашдан мамнунман.

Ҳайитингиз қутлуғ бўлсин!

Али Абдуллоҳ СОЛИҲ,
Яман Республикаси Президенти.

ТАРИХ — САБОҚ

■ ***Босқинчилик қаҳрамонлик бўлолмайди.***

Чингиз АЙТМАТОВ.

■ ***Мозий — ҳақиқатнинг тарозисидир.***

Маҳмудхўжа БЕҲБУДИЙ.

■ ***Приставларнинг ҳокимлик суришлари шу даражага етдики, улар ҳатто масжидларга қўнғироқ осиш ҳаракатида бўлдилар. Ўзларининг тўраликларини ва ҳукмдорликларини кўрсатмоқ учун, намоз вақтида масжидга итлар билан кириб келдилар.***

Турор РИСҚУЛОВ,
«Янги Туркистон» 1923,
25 ноябрь.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси | 1996 йил 27 февраль, сешанба № 25 (21.946). | Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

3-бет

СЎНГГИ СОАТДА

· Фарғона вилояти олис Сўх туманининг «Озод» жамоа хўжалигига қарашли «Қалъача» ва «Ғазнов» қишлоқларидаги 700 хонадонда «зангори олов» ёнди. Айни вақтда тумандаги 5 мингга яқин оила табиий газдан баҳраманд бўлмоқда.

***

· Сурхондарёликларнинг Термиз шаҳри яқинидаги севимли маскани — отчопарнинг номи ўзгарди. Эндиликда у Абдуҳолиқ Каримов номидаги сайлгоҳ деб аталадиган бўлди. Асрий қумлик ва тепаликлар ўрнида барпо этилган мазкур мажмуа, унинг атрофидаги лимонзору анорзорлар 1977-1985 йилларда вилоятга раҳбарлик қилган, Меҳнат Қаҳрамони А. Каримов номи билан боғланган.

***

· Фарғонада буюк соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб вилоят ҳокимлиги кубоги учун ўтказилган халқаро мусобақа ниҳоясига етди. Бир ҳафта давом этган беллашувда Фарғона ва қўшни вилоят футбол жамоалари, шунингдек, Қирғизистоннинг «Семетей» ва Россиянинг «Уралец» клуби қатнашди. Ҳал қилувчи курашда Фарғонанинг «Нефтчи» ва Нижне Тагилнинг «Уралец» жамоалари учрашди. Рақиблар дарвозасига иккита жавобсиз тўп киритган соҳибқирон набиралари соврин эгаси бўлди.

***

· Тошкентдаги «Тикланиш» корейс жамияти Қамар тақвими бўйича янги йилни байрам қилаётганида жамият кенгашининг раиси Родион Цзен «Смкадис» («Бирлик») жаҳон ташкилотининг Олтин медали билан мукофотлангани тўғрисида хушхабар келди.

«Тикланиш» жамияти ишлай бошлаган қисқа вақт ичида миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, корейслар вакилларининг ўзбек халқининг урф-одатлари ва анъаналарини, тили ва маданиятини ўрганиши борасида анчагина иш қилди. Ўтган йили жамият «Туркистон — умумий уйимиз» шиори остида бир қанча тадбирлар ўтказди.

• *Иқтисодиёт олами* •

ЧЎПОНЛАРНИ ЙЎҚЛАБ

БУХОРО (мухбиримиздан). Деҳқончилик саноати мажмуи касаба уюшмалари вилоят қўмитаси поёнсиз чўлларда қоракўлчилик шуҳратини ошираётган чўпон-чўлиқлар ҳолидан хабардор бўлиб турибди.

Яқинда 8 та қоракўлчилик хўжаликлари жойлашган ҳудудсиз саҳро оралаб автомашиналар карвони чўпон отарларига йўл олди. Халқаро «Экосан» жамғармаси вилоят бўлими, «Бухородан», «Бақоллик», «Дори-дармон» ҳиссадорлик жамиятлари ва Қизил Ярим ой жамияти ҳомийлигидаги бу сафар яйлов баҳодирларига қарийб 1 миллион сўмлик доридармон, иссиқ кийим-бош ва озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берди.

Д. БАҲРОНОВ.

ҲАМҚИШЛОҚЛАР ҚУВОНЧИ

САМАРҚАНД (мухбиримиздан). Гўзалкентдаги йирик қишлоқлардан бири — Илм хонадонларида ҳам «зангори олов» ёна бошлади.

Қувур ётқизиш ва монтаж ишларини М. Кенжаев бошлиқ қурувчилар идораси қисқа муддатда амалга оширишди. «Дўстлик» жамоа хўжалиги етарли маблағ ажратди. Шу муносабат билан тантанали йиғилиш бўлди. Вилоят газлаштириш идораси бошлиғи Муҳаммад Мавлут, туман ҳокими Ҳ. Мустанов, ХДП вилоят кенгаши биринчи котиби Р. Облаёров ҳамқишлоқларни муборакбод этдилар.

Т. ФАРМОНОВ.

БЕКОР ТУРИШАЁТГАНИ ЙЎҚ

Арнасой туманидаги «Самарқанд» деҳқон хўжаликлари уюшмаси шу кунларда марказий қўрғон яқинидаги чорва фермасига тез-тез қатнайдиган бўлиб қолди. Бунинг сабаби шуки, тажрибали зоотехник Рустам Камбоев ўтган йил охирида фермани хусусийлаштириб олгач, ферма ҳовлисидаги чала иморатни қайта тиклаб, тегирмон ва мойжувоз қурган эди. Сўнг укалари Баҳодир ва Шотемирларни атрофдаги қишлоқларга юбориб, зиғир, кунжут, ерёнғоқ ва бошқа мойли экинлар хом ашёсини харид қилдирди.

Уюшма аҳолисида буғдой ва маккажўхори дони ҳам сероб экан. Айни пайтда тегирмончи Даврон Санақулов ҳам, жувозчи Абдулла Эрматов ҳам бир лаҳза бекор тураётгани йўқ. Улар ҳар куни 700-800 килограмм ун ва 40-50 килограмм ёғ ишлаб чиқармоқдалар.

Ферма жамоаси ўз кичик корхоналари учун хом ашё заҳирасини қўпайтириш, аҳолини ун ва ёғ билан тўла таъминлаш мақсадида бу йил 30 гектар майдонда буғдой, 10 гектар ерда мойли экин ўстирадилар.

Ферма соҳиби Р. Камбоевнинг айтишича, яқинда сутни қайта ишлаш корхонаси ҳам ишга туширилади. Бу билан чорвадорлар сутни 50 километр йўл босиб, туман марказига ташиш ташвиши ва харажатидан қутиладилар.

К. ЖЎРАҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Нонинг бутун, Ўзбекистоним!

А. МАМАДАМИНОВ олган сурат.

НАВРЎЗ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК

24 февраль куни Вазирлар Маҳкамасида Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлди. Уни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур қўмита раиси Исмоил Жўрабеков бошқарди.

Мажлисда пойтахтимиз Тошкентда ва вилоятларда байрамга тайёргарликнинг бориши ҳақидаги масала муҳокама этилди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, вазирлик ва идоралар, корпорация ва уюшмалар, тегишли ташкилотлар раҳбарларининг шу масала хусусидаги ахборотлари тингланди.

Мамлакатимизда 21 март куни кенг нишонланадиган Наврўз тантаналарига қизғин ҳозирлик кўрилаётгани, бу борада ҳозирдаёқ катта ҳажмда иш амалга оширилгани таъкидланди. Шу билан бирга, бу ишни ҳамма жойда ҳам кўнгилдагидек деб бўлмаслиги, уни янада жадаллаштириш зарурлиги уқтирилди. Пойтахтнинг Мустақиллик майдони, Халқлар дўстлиги саройи, Хадра, Алишер Навоий номидаги театр, Ўзбекистон Миллий боғи, Улуғбек ва Ҳамид Олимжон майдонлари, Сайлгоҳ кўчаси, Амир Темур хиёбони ҳамда бошқа жойларда ўтказиладиган тадбирларнинг аниқ дастури ишлаб чиқилиши лозим. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришни авж олдириш, айём шарафига эсдалик совғалари ва нишонлар чиқариш, озиқ-овқат ва мева-сабзавот маҳсулотлари, кенг истеъмол моллари билан савдо қилувчи ярмаркалар ташкил этишга алоҳида эътибор бериш лозим.

Мажлисда Наврўз умумхалқ байрамини кўтаринки рухда ўтказиш, бунинг учун барча имкониятлардан фойдаланиш зарурлиги айтилди, мазкур ишга мутасадди ташкилотлар раҳбарларига бажарилиши лозим бўлган ишлар юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

Мажлисда Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, республика Бош вазирининг ўринбосарлари С. Саидқосимов, Р. Юнусов, М. Усмонов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

(ЎзА).

СОЛИҚ ТИЗИМИ ЯЛПИ КОМПЬЮТЕРЛАШАДИ

Пойтахтимизда солиқ тизимини автоматлаштириш мавзуига бағишланган халқаро семинар иш бошлади.

Анжуман республика Давлат солиқ қўмитаси билан АҚШнинг халқаро тараққиёт бўйича агентлиги (ЮСАИД) ва «Барентс групп» фирмаси ҳамкорлигида ўтказилмоқда. Унда Марказий Осиё давлатлари солиқ хизмати вакиллари ҳамда республикамизнинг турли вазирликлари, қўмиталари ва банк соҳаси мутахассислари иштирок этмоқда.

— 1993 йил Вазирлар Маҳкамаси қарорига биноан республикамизда солиқ тизимида ягона компьютер тизимини барпо этиш бўйича аниқ дастур белгилаб олинган эди, — деди анжуманни очар экан, Узбекистон Давлат солиқ қўмитаси раиси Ш. Гатаулин. — Ҳукуматимизнинг доимий равишда моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаши ҳамда бир қанча халқаро ташкилотларнинг кўмаги билан мамлакатимизнинг барча вилоятларидаги солиқ бошқармалари ҳамда туман солиқ инспекциялари керакли техника билан жиҳозланди. Ҳозир республикамиз Давлат солиқ бошқармаларида 14 ҳудудий компьютер маркази, кўплаб ахборот-маслаҳат хизмати кўрсатиш ва ўқитиш мажмуалари ишлаб турибди.

Анжумандан кўзланган мақсад ривожланган давлатлардаги солиқ сиёсати ва бу соҳада қўлга киритилган ютуқларни ўрганиш, мазкур тизимни замонавий техника билан жиҳозлаш, шунингдек, Марказий Осиё минтақасидаги солиқ тизимини янада такомиллаштириш бўйича зарур тадбирларни ишлаб чиқишдир.

Иштирокчилар икки кун давомида фискал ислоҳотлар лойиҳаси, иқтисодиётнинг негизини ташкил этувчи соҳаларда жадал ахборот алмашишни йўлга қўйиш каби бир қанча мавзуларда маърузалар тинглаб мунозара ўтказадилар.

(ЎзА).

Лупа

УЛАР КИТОБ ЎҚИШМАЙДИМИ?

Нега ўқишмас экан, ўқишади албатта. Қадимий Самарқанд шаҳрида ўнлаб йирик кутубхоналар, китоб дўконлари ишлаб турибди. Кўчаларда, бозорларда «барахўлка»ларда савдо қилаётган «ёв-войи» китобфурушларнинг сон-саноғи йўқ. Демак, халқимизда китоб ўқишга, мутолаага эҳтиёж катта.

Вилоят китоб савдоси идораси ходимлари икки йилдирки тармоқни ривожлантириш ўрнига, халққа зиё улашиб келаётган дўконларни бир амаллаб сақлаб қолиш учун курашмоқда. 1992 йил 17 июлда Самарқанд вилоят ҳокимлиги китоб савдоси ишини такомиллаштириш юзасидан қарор қабул қилди. «Маҳаллий ҳокимиятлардан китоб савдоси учун ижарага ёки сотиб олинган бинолар ўрнига бошқа савдо тармоғи биносини қуриш, ташкилотлар, кичик корхоналар ёки шахсларга сотиш ҳамда алмаштириш қатъиян ман қилинсин. Ижарага олиб бериш хусусидаги шартномалар жиддий назорат остига олинсин». Очиғини айтганда, муҳим ҳужжат. Китобга, маърифатга зўр ҳурмат бу. Афсуски, қарордан кейин шаҳарнинг қоқ маркази — Тошкент ва Тайруан кўчаларида жойлашган иккита китоб дўкони ими-жимида хусусийлаштирилди. Ваҳоланки, ўша пайтда вилоят ҳокимлигига Ўзбекистон Давлат мулкини бошқариш ва матбуот қўмиталари номидан Давлат матбуот қўмитаси тизимидаги объектлар хусусийлаштириш режасига кирмаган, деган мазмунда огоҳлантириш хати келган эди.

Шунча гап-сўздан кейин ҳам ўтган йили учинчи китоб дўконининг бир қисми тижорат учун хусусийлаштирилиб юборилди. Китоб савдоси идораси раҳбарларининг уринишлари зое кетди. Устига-устак шаҳарни қайта қуриш баҳонасида темир йўл вокзали, микрорайон ва чорраҳадаги «Даҳбед» кўчасидаги катта китоб дўконлари бузиб юборилди. Улар учун бошқа бино ёки янги жой ажратилмади.

Янги шаҳар марказидаги биринчи китоб дўкони дарвоқе, у «Ўзбеккитоб» номи билан ҳам машҳур, қарийб 60 йилдан бери ишлаб турганди. Қайсидир ишбилармон ана шу бинони «Совпаркэтав»нинг фирма дўконига айлантиришни истаб қолди. Ҳужжатлар, қарорлар бир зумда тайёрланди. Ҳайтовур нуфузли, оқил кишилар аралашуви натижасида бунга йўл қўйилмади.

— Олти ойдан бери Темир йўл туман коммунал хўжалиги идораси билан судлашиб юрибмиз, — дейди китоб савдоси идораси бошлиғи Акрам Худайқулов. — Гап шундаки, Мирзо Улуғбек кўчаси қишлоқ хўжалиги институти қаршисида жойлашган ва вилоятда ягона ҳисобланган «Тиббиёт» китоб дўкони 1960 йилдан бери маърифат тарқатиб келаётган эди. Энди эса коммунал хўжалиги биз билан шартнома тузишдан воз кечиб, уни олиб қўймоқда.

Яна бир нарса: Вилоят ҳокимлигининг юқорида тилга олинган қарорида «Самарқанд шаҳри туризм марказларидан бири эканлиги ҳисобга олиниб, тарихий обидалар яқинида, тайёрагоҳ, темир йўл вокзали ҳамда автовокзалда, шунингдек, Сартепа ва Сўғдиёна мавзеларида китоб савдоси шохобчалари очиш мақсадга мувофиқ деб топилсин. Вилоят китоб савдоси идораси учун имтиёзли равишда банк-кредит бериш вилоят марказий банки бошқарувидан сўралсин» дейилган.

Минг афсуски, бу режалар ҳам бажарилмади. Аксинча, ҳиссадорлик жамоаларига айлантирилиши, давлат тасарруфидан чиқарилиши муносабати билан вилоят матлубот жамиятига қарашли Жомбой китоб базаси тугатилди, туманлардаги китоб дўконларининг кўпчилиги фаолияти ўзгарди.

Хуллас, бизнингча, Самарқанд вилоятида китоб савдосини янада ривожлантириш учун бу соҳага жиддий эътибор бериш лозимга ўхшайди.

Хўш, мутасадди идоралар нима дейишаркин?

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Мулоҳаза

КЎЧА ТАРТИБИНИ ЎРГАНАЙЛИК

Троллейбусдан ҳамон дарак йўқ. Дақиқа сайин соатга қарайман. Уф! Ахир, ишхонада мажлис бўлиши керак. Мажлисхонанинг калити эса менда.

Яёв кетсаммикин... Барибир кечикаман.

Ва ниҳоят, троллейбус келди. Энди тезроқ юрсин-да. Менинг кечиккаларимдан боҳабардек, троллейбус шиддат билан олга интилди. Эҳ, кўз тегдими нима бало, бирдан «шох»и чиқиб кетса буладими? Мен эса оёғи қуйган товуқдек типирчилаб қолдим.

Ана, қадрдон бекат! Тушдим, энди югуриш керак. Яхшиси кўчани кесиб ўта қоламан. Йигирма чоғли одамни куттириб қўйиш инсофданмас, ахир. Беихтиёр уларнинг хонага киролмай хуноб қиёфалари кўз ўнгимдан ўта бошлади.

Қаттиқ ҳуштак овозидан ўзимга келдим. Бир милиционер шаҳдам юриб олдимга келди. Қўлини чаккасига қўйиб, ўзини таништиргач, йўл қоидасини бузганлигим учун жарима тўлашим кераклигини айтди. Дабдурустдан жаҳлим чиқа бошлади. Бироқ вазиятни тушунтиришга менинг вақтим ҳам, ҳолим ҳам йўқ эди. Айтган пулини узатдим-да, деярли югуриб ишхонага кириб кетдим.

Кейинроқ ўйланиб қолдим. Рост-да, кўпинча биз эринчоқлик қиламиз, пиёдалар учун белгиланган жойдан ўтмай, кўчани хоҳлаган жойдан кесиб «ўтақоламиз». Германияда бўлиб қайтган бир танишимнинг гапларига қараганда, олмонлар ҳатто кечаси ҳам, машиналар йўлда кўринмаётган бўлса-да, барибир йўл ҳаракати қоидасига риоя қилиб светофор чироқларининг ёнишига қараб иш тутарканлар: қизил чироқ ёнганда машиналар бўлса-бўлмаса, кўчани кесиб ўтишмас экан.

Қоидани осонликча бузамиз-ку, бу қилмишимиз катта ноҳушликларга сабаб бўлишини хаёлимизга келтирмаймиз. Кўча тўла машина. Битта ноўтри қўйилган қадам кимнингдир тақдирини ҳал қилиши мумкинлигини эсдан чиқармаслик керак. Аллоҳ ҳам ўзини асраганни асрайман деган экан.

Клара ТОЖИБОЕВА.

ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ҳаёт билан ҳамнафас

Беруний туманида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга, унинг самарадорлигини оширишга, қолоқликка барҳам беришга бошланғич партия ташкилотлари алоҳида эътибор беряпти. Шу ҳақда яхшиси Ўзбекистон ХДП Беруний туман кенгаши биринчи котиби Йўлдош Насурлаевдан эшитайлик:

— Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши XV пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларга амал қилган ҳолда фаолиятимизни олиб боряпмиз.

Ҳозирги пайтда туманда 18 та ҳиссадорлик жамияти ишлаб турибди. Аъзоларимиздан С. Салаев раислик қилаётган «Ёдгор» ҳиссадорлик жамияти 1 миллион 207 минг сўмлик, С. Ғаниев етакчилигидаги «Оқ йўл» ҳиссадорлик жамияти 428 минг сўмлик, Б. Кўшикеев бошчилигидаги «Беруний толаси» ҳиссадорлик жамияти 1 миллион сўмлик акцияни фонд биржаларида сотиб олдилар. Кўпгина хўжаликлар юксак самарадорликка эришяпти. Аммо, айрим лоқайд, меҳнат интизомига амал қилмаган, ҳар хил баҳоналарни рўкач қилиб кўрсатадиган хўжалик раҳбарлари ўтган йили пахта тайёрлаш режаларини барбод этдилар. Шуларни ҳисобга олиб туман партия кенгаши бир қатор тадбирлар белгилаб, уларни амалга оширишга киришдилар.

Реймбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҲАМКОРЛИККА НЕ ЕТСИН

Бугуннинг тадбири

Узбекистон Халқ демократик партияси Андижон вилоят кенгаши узаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашни режалаб, шаҳар, туман кенгашлари котиблари ҳамда масъул ходимларининг навбатдаги уқув машғулотига «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлимининг раҳбари А. Солиевни таклиф этди. У партия фаоллари ҳузурида «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими ҳамда тумандаги бўлинмалар томонидан амалга оширилаётган ишлар, Ўзбекистон Халқ демократик партияси кенгашлари билан ўзаро ҳамкорлик натижалари ҳақида сўзлаб берди.

Ҳамжиҳатлик асосида ўтган бу йиғинда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Андижон вилоят кенгашининг биринчи котиби, Олий Мажлис депутати Р. Мухторов қатнашди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Азимжон Абдукаримов — эли суйган раис. Ўзбекистон Олий Мажлисига депутат бўлди. Тўрткўл туманидаги Шўрахон ширкатлар уюшмасини ўн йилдан буён бошқаради. У билан учрашдик. Икки оғиз суҳбатини олдик.

ДЕҲҚОН АВВАЛ ИШОНСА...

Депутат ва давр

— Азимжон ака, назаримда, Абдукаримов деган раиснинг депутат бўлиб кеттани, машҳурлиги фақат режаларни бажариб келаётганинингина ҳосияти эмас-ов...

— Аммо сиз айтмоқчи «режаларни бажариш» ҳам ўзўзидан бўлмайди-да. Пахтани ҳам, ғаллани ҳам 110 фоизга бажардик. Пахтадан 32 миллион даромад бор, пилладан бир ярим миллион...

— Бу пилла деганингизнинг даромади нақдми ўзи?

— Насияси йўқ. Бунинг йўли шундаки, биз пилланинг ўзини эмас, уни бошланғич ишлов бериб сотдик. Худо хоҳласа, бу йил бир «Ипакчи» деган кичик корхона очиб, қайта ишлашни ҳам йўлга қўймоқчимиз. Бу ёғи яна даромад кўпаяди.

— Энди ҳар доимги режавий гапларни қўяйликда, депутат сифатида, бир раис сифатидаги мулоҳазаларингизга ўтсак.

— Қишлоқ хўжалиги соҳасида ўйлаб юрганларим кўп. Гапираверсак, адоғи узун. Энди, менимча-да, биргина пахтага қараб ўтираверсак бўлмайди. Умуман, шу ернинг берганини ҳеч бўлмаса дастлабки қайта ишлашни йўлга қўйиш даркор. Кейин эртанги сабзавот, мева етиштиришга эътибор зарур.

Бизнинг туманда жами етти-саккизта хўжалик бўлиб, ер ниҳоятда чарчаган. Энди бу ҳудудларга бироз дам бериб, ғалла эккан маъқул. Масалан, туманнинг 40040 тонна планининг бир олти мингидан ҳозирча воз кечиб, қисқартириб туриш керак.

— Ҳозирча деяпсизми?

— Бу деганим икки-уч йил бошқа экин экилиб, сўнг яна пахта етиштирилса, ҳосилдорлиги зўр бўлади. Ўтган йилларда йўқотилганининг ўрнини босиб кетади. Бу билан ҳатто одамларга турар жой учун кетган ҳосилли ерларнинг ҳисобини ҳам тўлдириш имконияти туғилади. Майли, режани кейин катта олса ҳам бўлаверади.

— Деҳқон ва ер муносабатлари сизнингча қандай бўлгани дуруст?

— Деҳқонда энг аввало, ишонч бўлиши керак. Шу ердан режани бажара олишга, меҳнатига яраша бир мукофатга эришса, ишонч ҳосил бўлади. Ер ва деҳқон ўртасидаги ишонч ҳосилини ҳеч ким ўзгартирмасин

Мустақиллик ва масъулият

Биз иқтисодий ўнгланиш, иқтисодий ривожланишни маънавий ўнгланиш, маънавий покланиш, маънавий юксалиш ҳаракатлари билан уйғун бўлишини истаймиз.

И. А. КАРИМОВ.

ҚАМОЛОТ МЕЗОНИ

Неъмат АМИНОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ҲАЙКАЛЛАР САЛТАНАТИ

ҚИЗИЛ ШАРПАЛАР

ГУЛ ҚЎЙИШНИ ҲАМ ЎРГАНАЙЛИК

БИР ТАКЛИФ...

ҚИЗИЛ ИМПЕРИЯ ВОҚЕАЛАРИ

• Уч кеча-кундуздан бери ёғиб турган қор Сараевони тарк этаётган сербларнинг ташвишини янада оширди. Ҳозиргача Босния пойтахтидан Сербия Республикасига қочиб кетган 20 минг аҳолига ҳар куни яна юзлаб оилалар қўшилмоқда. Бугунги кунгача шаҳарда бор йўғи 50 минг серб аҳолиси қолди.

x x x

• **Эскириб қолган қисқичбақа истеъмол қилиш натижасида Кипр Республикасида айрим кишилар заҳарланмоқда. Бундан ҳатто давлат раҳбарлари ҳам азият чекишди. Яқинда Кипр Республикаси Президенти Главкос Клиридис ва Вазирлар Маҳкамаси аъзолари ҳам эски қисқичбақадан тановвул қилиб жабрдийда бўлишди.**

x x x

• Марказий разведка бошқармаси директори Жон Дейч агар АҚШ фуқароларига хавф туғиладиган бўлса ёки уларга нисбатан оммавий қирғин қуроллари ишлатиладиган ҳоллар бўлса, унда айғоқчи сифатида америкалик журналистлардан ҳам фойдаланиш мумкинлигини айтди.

x x x

• **Йоханнесбург яқинидаги Альбертон шаҳрида даҳшатли қотиллик рўй берди. Номаълум кишилар бир гуруҳ қора танли африкаликларга қарата автоматлардан ўт очди. Бу воқеадан сал илгари-роқ алюминий ғилдираклари тайёрлайдиган маҳаллий завод 200 кишини ишга олиш ҳақида эълон берган эди. Ишсизлик ҳукм суриб турган бу мамлакатда ана шундай эълон берилиши кўпчиликни жалб этди. Бор-йўғи беш кун ичида 2 мингдан ортиқ киши завод олдида тўпланиб қолди. Эрталаб соат учларда номаълум кишилар одамларни тарқатмоқчи бўлди. Лекин бунинг иложи бўлмади. Шу боис кетма-кет автоматдан ўқ узилди. Натижада 8 киши ҳалок бўлди, 23 киши эса ярадор сифатида касалхонага жўнатилди.**

x x x

• Ўтган жума куни Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин Федерал Кенгаш аъзолари ва Давлат думаси депутатларига ҳар йилги ўз мактубини юборди. У «Россия учун биз жавобгармиз» деб аталади.

x x x

• **ГФР бундестагининг юзлаб депутатлари ва кўплаб ходимлари парламент бош биносидаги ўз хизмат хоналарини тезлик билан тарк этишга мажбур бўлдилар. Чунки парламент биносига яқин жойда иккинчи жаҳон уруши давридан қолиб кетган 250 килограммли бомба топилиб қолди.**

x x x

• Эстониянинг Тарту шаҳрида «Барклай» деган янги меҳмонхона очилди. Бу ерда кўпчиликни Дудаев апартаменти қизиқтиряпти. У 80-йилларда Тарту атрофидаги авиабазага командирлик қилган. Дарвоқе, Жавҳар Дудаев номи билан Тарту қўчаларидан бири ҳам номланган.

x x x

• **Россиянинг собиқ Бош прокурори вазифасини бажарувчи Алексей Ильюшенкога нисбатан жиноий иш қўзғатилди. У пора олганликда ва ўз лавозимини суиистеъмол қилганликда айбланмоқда.**

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

ТЕЛПАК

Ҳажвий ҳикоя

Ўткир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Агар палакат босиб ёзувчи бўлмаганимда албатта милиция ходими бўлардим. Ўзи болалигимдан орзуим шу эди... Майли, ҳозир гап бунда эмас. Кўп йиллар илгари арзимас нарса учун шонли совет милициясининг фидойи старшинасини шунчалик ташвишга солганимдан ҳамон хижолатдаман. Аслида-ку айб менда эмас, «Пўнчик»да!

...Уша куни мукофот пули олмасак, «Пўнчик» мукофотни «ювамиз» деб тиқилинч қилмаса, шунча галва йўқ эди.

Шундай қилиб, лойиҳа институтининг «уч оға-ини ботирлари» яъни, Бобур — «Пўнчик», Ботир — «Тараша» ва Баҳром, яъни мен — лақабимни айтмай қўяқолай, узун-қисқа бўлиб иссиққина кафега кирдик. Бурчакдаги илгичга кийим-бошларни ечиб, сосиска едик. Биттагина «Портвейн»ни бўшатдик.

— Энди менга жувоб! — деди Бобур лунжини юмронқозиқдек тўлдириб сосиска чайнаркан. — Дилишкани боғчадан олмасам, ўртоқ хотин ўлдиради!

Зум ўтмай кийиниб келиб, яна тепамизда пайдо бўлди.

— Ма, эҳтиёт қил! — деди банди елим қоғоз билан ямалган каттакон папкамни стол тагига тиқиб. — Анави ерда бегона кампания ўтирибди. Илиб кетмасин тағин!

«Пўнчик» пишиқ-да! Ақли ишлаганини қаранг.

«Тараша» бир зум хаёл суриб ўтирди-да, сийрак киприкларини пирпиратди.

— Эшитиб кўрчи, қорнимдан йиғламсираган товуш келмаяптими?

— Келяпти! — дедим илжайиб. — Меникидан ҳам келяпти. Бояги вино зерикиб қолди, шеригини чақиряпти.

Ҳай, «йигирма олтинчиси»дан яна биттагинасини «отдик». Қорин тўқ, — қайғу йўқ... Илгич олдига борсак, телпагим йўқ! Пальто бор, шарф бор, фақат телпак йўқ. Янгигина, иссиққина телпагим! Илгич атрофини қарадик, бўм-бўш бўлиб қолган столларнинг тагигача ўрмалаб чиқдик: йўқ! Тамом-вассалом!

Тарвуз қўлтиқдан тушиб ташқари чиқдик. Қулоғим шунақанги музлаб кетдики, чертсангиз жиринг этиб синиб тушадиган. Ҳалиги кайфдан асар қолмади. Буни қарангки, эллик қадам юрмай тепасида неон чироқ ёниб турган «оперпункт» рўпарасидан чиқиб қолдик. Ҳар куни шу ердан ўтиб эътибор бермаган эканмиз.

— Бўлди! — деди Ботир тарашадек гавдасини ғоз тутиб. — Телпагинг топилади! Мана, милиция топиб беради!

Каталакдек хона тўридаги столда ўтирган старшинанинг важоҳатини кўриб бақа бўлиб қолдим! Тўланбой полвон унинг олдида боғча бола! Ҳар елкасига иккитадан одам ўтирса чирпирак қилиб ташлайди! Юзлари қип-қизил. Соқол олаётганда бехосдан тиғ тегиб кетса, камида бир ярим литр қон оқса кераг-ов!

— Киравер! — деди «Тараша» далда бериб. Кейин гапни совутмай старшинага мурожаат қилди. — Ўртоқ начальник! Жиноят содир бўлди. Ўғирлик!

Старшина чарчаганми, уйқудан қолганми, ҳузур қилиб обдон эснади. Этак томондаги лиқилдоқ курсиларга имо қилди.

— Т-а-ак... — деди кўзидан оққан мўлдир-мўлдир ёшларни артиб. — Т-а-ак...

— Ўртоқ начальник... — Ботир тағин гап бошлаган эди, старшина рапидадек кафтини кўтарди.

— Пастрадавший ким?

— Манаву! — Ботир менга имо қилди. — Ярим соат олдин...

— Минуточка, гражданин! — деди старшина анчайин кескин оҳангда. — Пастрадавшийнинг ўзи гапирсин!

Ҳаммасини айтиб бердим. Бир бошдан. Қўрқибгина... Старшина тоқат билан эшитди. Кейин стол тортмасидан қоғоз олди.

— Т-а-ак, энди бошлаймиз! — деди тантанавор алпозда. — Фамилиянгиз?

— Айтдим.

— Исмингиз?

Айтдим.

— Иш жойингиз?

Айтдим.

— Вазифангиз?

Айтдим.

— Уй адресингиз?

Айтдим.

— Оилавий аҳволингиз?

Унисиниям айтдим.

— Аввал судланганмисиз?

Йўқ.

— Чет элда қариндошларингиз борми?

— Йўқ.

— Қандай мукофотлар олгансиз?

— Э, кўп олганмиз! — дедим мақтаниб. — Бугун ҳам олдим. Ўттиз уч сўм. Кварталний мукофот!

— Унисини сўраётганим йўқ! — деди старшина асабийлашиб. — Сайланганмисиз?

— Бўлмаса-чи! Месткомда казначейман!

— Уф-ф! — Старшина қоғоз қиртиллатавериб чарчаб кетди шекилли, каттакон рўмолча билан пешонасини артди.

— Итак, нима бўлди? — деди кўзимга тикилиб. — Бир бошдан айтинг.

Ҳайрон бўлиб гоҳ унга, гоҳ Ботирга термулдим.

— Айтиб бердим-ку ҳаммасини.

— Гражданин Баҳром Холмирзаев... — у қўлидаги қоғозга қараб олди. — Тўис... Холмуродов! Бояги айтганларингиз оғзаки гап. Буниси — документ! Айтингчи, пастрадавший Холмирза... тўис Холмуродов, қайси стадия?

Капалагим учиб кетди.

— Қанақа «статья?»

— Статья эмас, стадия! — деди старшина жеркиброқ. — Исклерозингиз нечанчи стадия?

— Қанақа склероз?

— Исклероз бўлмасангиз телпакни нега йўқотасиз?

— Йўқотгани йўқ, ўғирлатди! — деди Ботир тушунтириб.

— Минуточка, гражданин! — деди старшина. — Пастрадавшийнинг ўзи гапирсин! — Кейин бир зум ўйланиб қолди. — Харашо! Қайси кафега кирдингиз?

— Мана шу, — дедим чайналиб. — Эллик қадам наридаги...

— Оти борми ўша кафенинг?

— «Ветерок».

— Қайси кўчада жойлашган?

— Мана шу кўчада. Ҳов ана, чироғи кўриниб турибди, ўртоқ лейтенант.

Лейтенант деганим ёқди шекилли, старшина анча юмшади.

— Кўчанинг номини сўрасам, бу чироқни гапиради, — деди нолиб.

— Одамларга ҳайронсан, қаёққа борганини ўзи билмайдида, тағин притензия қилади! Итак, кафега кирдингиз... Кейинчи?

— Шу... ечиниб кийимларни илгичга илдик.

— Қайси томондайди?

— Нима «қайси томонда?»

— Вешалка!

— Бурчакда, чап томонда.

— Нега чап томонда?

— Ҳайронман.

— Нимадан ясалган?

Ҳеч балога тушунмадим.

— Нима, «нимадан ясалган?»

— Вешалкани сўраяпман! — деди старшина аччиқланиб. — Нимадан ясалган? Ёғочми, темирми?

— Темир! — дедим ишонч билан.

— Илгаги нечта эди?

Қаранг, шунисига эътибор бермаган эканман.

— Эсимда йўқ, — дедим бўшашиб.

— Телпакни қайси илгичга илган эдингиз?

— Бунисиям... — дедим баттар эсанкираб. — Эсимдан чиқибди, ўртоқ лейтенант.

Старшина бу гал ҳам юмшади.

— Харашо... кейин-чи?

— Шу... овқат едик.

— Қанақа овқат?

— Сосиска.

— Неча порса?

— Мен бир порс, манаву бир ярим...

— Шеригингиз ўзи учун ўзи жавоб беради... Итак, қанча ўтирдингиз кафеда?

— Бир соатча.

— Тиш дўхтирга қатнаб турасизми?

— Нимайди? — дедим ҳайратланиб.

— Саволни мен бераман, пастрадавший Холмирза... тўис, Холмуродов! Тишингизнинг мазаси йўқми?

— Йўғ-е, тишим бутун.

— Тиши бутун одам тўртта сосискани бир соат ейдими?

— Очирит кўп экан, — дедим ёлғон гапириб.

— Хўп, кейин нима бўлди?

— Кейин... кийинаман деб бундоқ қарасам, телпагим йўқ!

— Харашо, — деди старшина бир қадар енгил тортиб. — Телпагингиз қанақа эди?

— Шу... телпакдака телпак...

— Оти нима ўша телпакнинг кубанками, ушанками?

— Анавинга ўхшаган, — деб Ботир тиззасига қўндириб ўтирган телпакка имо қилдим.

Старшина яна узоқ қоғоз қиртиллатди.

— Қачон сотиб олган эдингиз?

Елка қисдим. Худо ҳақи, телпакни қачон олганим паққос эсимда йўқ экан.

— Уч йилча бўлди, — дедим дудмал қилиб.

— Бизга канкретний гап керак, — деди старшина норози оҳангда.

— Аниқ айтинг!

— Уч йил бўлди! — дедим таваккал қилиб.

— Қайси пайтда?

— Тушунмадим, — дедим кўзимни пирпиратиб.

— Нимани тушунмайсиз? — старшина юзимга синчковлик билан тикилди. — Ёзда олганмисиз, қишдами?

— Қиш эди!

— Соат неча эди!

— Пешинга яқин.

— Аниқроғи?

— Ўн икки ярим! — дедим иккиланмай.

— Ҳаво қанақа эди?

— Нима?

— Ўша пайтда, яъни, бундан уч йил аввал — йигирманчи январь куни кундуз соат ўн иккидан ўттиз минут ўтганда, телпак сотиб олаётганингизда об-ҳаво қанақа эди?

— Эсимда йўқ, — дедим тан олиб.

— Нега эсингизда йўқ? — деди старшина кўзимга боягидан ҳам синчковроқ тикилиб.

— Э, бўлди! — дедим ёдимга тушиб. — Гупиллатиб қор ёғиб турганди.

— Яхши! Текшириб кўрамиз. — У бир зум сукут сақлади. — Неча сўмга олган эдингиз?

— Телпакними?

— Пальтони сўраётганим йўқ-ку! — деди старшина энсаси қотиб.

Қаранг, буниси ҳам хаёлимдан кўтарилган экан.

— Қирқ сўм! — дедим оғзимга келганини айтиб.

— Қаердан?

— Бозордан.

Старшина уф тортди.

— Магазин тўла телпак, булар бозорга югуради. Қайси бозордан?

— Эски шаҳардан.

— Кимдан олгансиз?

— Биттасидан.

— Аниқ гапиринг! Ким экан ўша телпакфуруш?

— Қаёқдан билай.

— Одамларга ҳайронсан. Мол олади-ю, кимдан олганини билмайди.

Телпак сотган одам эркакмиди, хотинми?

— Эркак эди, — дедим жонланиб.

— Алоҳида белгиси бормиди?

— Ниманинг?

— Ниманинг эмас, кимнинг! — деди старшина хуноби ошиб. — Телпакфурушни сўраяпман!

— Бор эди! Бошига бир эмас, учта телпакни устма-уст қўндириб олган эди.

— Телпакни ўша одамдан олганингизга гувоҳингиз борми?

— Йўқ, — дедим ростини айтиб.

— Шунақа-да! — старшина надомат билан бош чайқади. — Ҳозир кўрсангиз танийсизми?

— Телпакними?

— Телпакфурушни! — деди у тоқати тоқ бўлиб. — Чайқовчиликка ўзлари йўл очади-да, тағин даъво қилади. — Кейин бир қадар жаҳлдан тушди шекилли, осойиштароқ сўради. — Астари қанақа эди?

— Нима?

— Телпакнинг астари қанақа эди? Кўкми, қорами, қизилми?

Ўлай агар, телпакни шунча кийиб астарига қарамаган эканман.

— Эсимда йўқ, — дедим бўшашиб.

Старшина хўрсинди.

— Одамларга ҳайронсан. Кийим кийишни биладию, рангига қарамайди. Алоҳида белгилари бормиди?

— Телпакфурушнингми?

— Телпакнинг!

Нажот кутиб Ботирга қарадим.

— Бор эди! — деди «Тараша» ўтирган жойида бир қимирлаб. — Чап қулоқчини қийшиқроқ эди. Куядори ҳиди келиб турарди.

— Малчите пажалиста, гражданин! — Старшина жўвадек бармоғини кўтариб, пўписа қилди. — Гувоҳ сифатида сўраганимда жавоб берасиз.

— А, ваапше, — деди ҳафсаласи пир бўлиб, — битта гувоҳ инобатга ўтмайди. Камида иккита керак. — Кейин менга юзланди. — Мўйнаси қанақа эди?

Эсанкираб қолганимдан саволини яхши тушунмадим.

— Нега анграясиз, пастрадавший? — У қошини чимирди. — Қанақа мўйна эди? Норками, қоракўлми, андатрами?

— Қўён эди!

— Ранги?

— Кулранг эди!

— Эркакмиди?

— Телпакфурушми?

— Қўён! — деди старшина ростмана бўғилиб. — Қўён эркакмиди, урғочими?

Боядан бери чидаб ўтирган «Тараша»нинг тажанглиги тутиб кетди шекилли, шартта ўрнидан турди.

— Хунаса! — деди қўлини пахса қилиб. — Хунаса қўён эди!

— Гражданин! — старшина чаққонлик билан ўрнидан турриб устимизга бостириб кела бошлади. Аммо хона ўртасида таққа тўхтаб қолди. Баркашдек юзининг марказида кўриниб-кўринмай турган тугмачадек бурни қимирлаб кетгандек бўлди. Ҳавони бир-икки ҳидлади-да, ғолибона илжайди. — Йигирма олти! — деди тантана билан. — Йигирма олтинчи портвейн! — гурс-гурс юриб бориб, стол устидаги телефон гўшагини юлқиб кўтарди. — Алё, ҳушёрхонами? Оперуполномочиний Эшбоев гапиряпти...

— Қо-о-оч! — «Тараша» шунақанги чинқирдики, хона жаранглаб кетди.

— Қочиб қол! — деди-ю, ўзини эшикка урди. Оёғим остида ётган папкамга чанг солиб, мен ҳам кетидан ташландим.

...Атрофи гарбил тахта билан ўралган, зилзиладан кейин қайта қурилаётган аллақандай бино тагига етганда нафасимизни ростлаб олдик.

— Хафа бўлма, ўртоқ, — деди Ботир ғарч-ғурч қор кечиб бораркан. — Бошинг совқотган бўлса, менинг телпагимни кийиб кетақол...

— Э, йўқол! — деди алам билан...

Уйга келишим билан келинингиз чиройли табассум ҳадя этди:

— Телпагингиз қани?

— Ие, тушиб қопти! — дедим бошяланглигим энди эсимга келгандек сочимни чангаллаб.

Келинингиз боягидан ҳам чиройлироқ жилмайди:

— Бошингиз тушиб қолмадими ишқилиб?

... Эртасига «Пўнчик» одатдагидек ишга кечикди. Ботир билан кечаги ҳангомани эслашиб ўтирсак, котиба қиз Гуличка эшикдан мўралади.

— Сиз! — деди менга қўлини бигиз қилиб. — Директорга! Срочна!

Юрагим така-пука бўлиб кирсам, директор тажанг бўлиб турган экан.

— Кеча нима ҳунар кўрсатдингиз? — деди чимирилиб.

Энди оғиз очмоқчи эдим, жеркиб берди:

— Ўн беш сутка ўтиришни хоҳламасангиз манави жаримани тўлаб келинг. Эллик сўм! — шундай деб аллақандай қоғозни юзимга улоқтирди. — Ичадиган — булар, балогардон — мен!

Хонага қайтиб кирсам, «Пўнчик» энди келиб турган экан.

— Нима бўлди? — деди Ботир иккови бараварига.

— Ўл бўлди, дард бўлди! — дедим бақириб. — Сен, ярамас «Пўнчик» кафега судрамасанг, телпагим йўқолмасди... Телпагим йўқолмаса...

— Телпак? — Бобурнинг лунжи шишиб кетгандек бўлди. — Папкангни очиб кўр-чи?

Ҳеч балога тушунмай, каттакон папкамни очдим. Қай кўз билан кўрайки, қадрдон телпагим бир қулоқчини қийшайиб, илжайиб ётибди! Алам билан «Пўнчик»нинг ёқасига ёпишдим. Лўппи юзи тандирдан янги чиққан нондек қизариб кетди.

— Қўйвор! — деди ҳансираб. — Кеча бегоналар илиб кетмасин деб папкангга солиб қўйгандим. Яхшиликка ёмонликми, «Чурук папка»!

Ана холос! Баҳонада менинг лақабимни ҳам билиб олдингиз.

Ватанимга хизмат қиламан!

Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида таълим олувчилар учун барча шароитлар муҳайё қилинган. Курсантларга тажрибали офицерлар билим бериб, ҳарбий маҳоратларини оширишда кўмаклашишяпти. Бу ерда тўрт йил давомида таълим олган ёш офицерлар учувчи ва вертолётчи шунингдек, штурман бўлиб хизмат қиладилар.

Суратларда: 1. Курсант Дилмурод Убайдуллаев амалий машқлардан сўнг. 2. Курсантлар осмон илмини ўрганишаётир.

Б. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Шатранж оламида

МАЛИКА ЎЗГАРДИ

Ўн етти ёшида жаҳон шахмат маликаси даражасига кўтарилиб, бу юксак унвонни ўн уч йил давомида ўз қўлида сақлаб келган грузиялик машҳур гроссмейстер Майя Чибурданидзедек рақибасини тахтдан туширишга сазовор бўлган хитойлик ёш шахматчи С. Чжун икки йилдан сўнг ўнга тараф бўлиб чиққан яна бир Грузия вакиласи Иоселианини ҳам енгиб, икки карра жаҳон чемпиони бўлган эди. Бу сафарги рақиби венгриялик машҳур шахматчилар сулоласи — опа-сингил Полгарларнинг тўнғичи Жужа бўлди.

Маълумки, бундан уч йил муқаддам Монте-Карлода ўтказилган тож талабгорлари финал матчида қуръа ташлаш йўли билан чиқарилган якун натижасида чемпионлик учун бўладиган курашдан маҳрум этилиб, догда қолган эди. Кейинги туркум саралаш мусобақаларида ғолиб чиққан Жужа Полгар ниҳоят ниятига етди. Бироқ дастлабки учрашувни бой бериб қўйди. 16 партиядан иборат баҳсда Жужа арқонни узун ташлаш кераклигини пайқаб, дарҳол уч олишга интилмади. Иккита дурангдан сўнг 4-партияни ютиб, ҳисобни тенглаштирди. Баҳс ярмидан ўтгач, қўш очкога ўзиб кетган венгриялик гроссмейстер яна икки бор устун келди. 11-учрашувдан сўнг ҳисоб унинг фойдасига ҳисоб 7,5:3,5 га етиб қолди.

Мақсадга эришиш учун қолган беш партияда битта ғалабага эришиши кифоя эди. Лекин хитойлик чемпион асло ўзини йўқотмай, 12-учрашувни ўз фойдасига ҳал қилди. Полгарга эса қолган турт имкониятдан 1 очко кифоя эди. Шундай бўлди. У 13-партияни ютиб, ҳисобни, 8,5:4,5-га етказиб, аёллар ўртасида янги жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди.

Мамажон МУҲИДДИНОВ.

Ачомат гаплар

КЎЧАГА ЧИҚИШМАСДИ

АМЕРИКА мактабларидаги ўқитувчи аёллар 20-йиллар эркаклар билан учрашмаслик, бўйнамаслик ва хатто ёрқин рангли кийимлар киймаслик тўғрисида шартнома тузардилар. Муаллимнинг эрга тегиши ҳам мумкин эмасди, аксинча дарҳол ишдан бўшатиларди. Улар бамисоли роҳибалардай яшашлари шарт эди ва қуйидагилар тақиқланарди: кафеларга кириш, кеч соат 8 дан эрталаб 6 гача уйдан чиқиш, чекиш ва бўяниш, бегона эркак билан автомобилда юриш. Кўйлаклари тўпигини беркитиб туриши лозим эди. Талайгина юмушлар, дейлик шартномага кўра кунига синфхонани камида бир марта супуриш, ҳафтада бир марта совунлаб ювиши керак эди. Бу шартлар Иккинчи жаҳон уруши бошларида бекор қилинди. Чунки 1942 йилга келиб ўқитувчилар етишмай қолди.

О. ФАРМОН тўплаган.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ

20 ФЕВРАЛДАН 10 МАРТГАЧА ФАҚАТ ЙИГИРМА КУН ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА ХИТОЙ ЦИРКИНИНГ ЮЛДУЗЛАРИ — ЕТАКЧИ УСТАЛАРИ ИККИ БЎЛИМЛИ РАНГ-БАРАНГ ДАСТУРЛИ ТОМОШАЛАРИДА

акрабатика, гимнастика, эквилибристлик мувозанати ва жонглёрлик санъатида жаҳоншумул ютуқларга эришган артистлар қатнашади.

ТОМОШАЛАР ИШ КУНЛАРИ СОАТ **10.00, 14.00,** ДА, ШАНБА ВА ЯКШАНБА КУНЛАРИ **12.00, 15.00** ДА БОШЛАНАДИ.
КАССА СОАТ **10.00** ДАН **18.00** ГАЧА ИШЛАЙДИ.
ЧИПТАЛАРНИ БАРВАҚТ СОТИБ ОЛИНГ.
ТЕЛЕФОНЛАР: 44-35-91, 44-29-04.

«Ўзбекистон овози» таҳририяти жамоаси газета собиқ ходими, «Халқ сўзи» газетаси бош муҳаррири ўринбосари Салоҳиддин Муҳиддиновга отаси **Фазлиддин МУҲИДДИНОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни жамоаси «Тошкент ҳақиқати» газетаси бош муҳаррири Фатҳиддин Муҳиддиновга отаси **Фазлиддин МУҲИДДИНОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

ҚЎРҒОН ОМОН БЎЛСА...

Яқинда Қашқадарё вилоят ички ишлар бошқармаси томонидан «Тозалаш» тадбири ўтказилди. Бу содир этилиши гумон қилинган жиноятнинг олдини олиш, жамоат тартиби ва эл осойишталигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди. Шу муносабат билан вилоят ИИБ ташкилий назорат бўлими бошлиғи, милиция полковниги Чори ЖУМАЕВга қуйидаги саволлар билан мурожаат этдик.

— Ушбу тадбирни ўтказиб нималарга эришилди?

— Одатда қўрғон саломат бўлса халқ бехавф яшайди. Нотинчлик эса ҳамиша асаббузарлик, қўрқинч ва меҳрсизликни юзага келтиради. Шу сабабдан ходимларимиз кеча-ю кундуз ўз хизмат постида сергак ва ҳушёр турмоқдалар.

Мазкур тадбирга барча тизимдаги ички ишлар идоралари ходимлари жалб этилди. Маъмурий ҳудудларга автотранспортлар ажратилди. Ходимларимизнинг саъй-ҳаракати билан қидирувдаги жиноятчилар, бедарак йўқолганлар, дайдилар, фоҳишалар, гиёҳвандлар, қўпмачилар ва шунга ўхшаш унсурлар аниқланди. Ўн кун давом этган ушбу тадбирда милиция ходимларининг тезкор ҳаракати боис талай ишлар бажарилди. Жумладан, илгари содир бўлиб очилмай қолган жиноятлардан 13 таси фош этилди. Қидирувда бўлган жиноятчилардан 24 нафари қўлга олинди.

— Мисоллар келтирсангиз.

— Қарши шаҳрида яшовчи Муродилла К. ўз угай акаси Қодир Ҳазратқуловни қорнига пичоқ санчиб ўлдиради. Сўнг жасадни бош-оёқ қисмини бурдалагач, халтага жойлаб 3-микрорайондаги янги қурилишларнинг бирига аравачада элтиб ташлайди... Тезкор ҳаракат натижасида жиноятчи қўлга олинди.

Муборак туманининг «Муборак» жамоа-ширкат хўжалиги бош чўпони Исмат Бутаев жавобгарлигида бўлган 37 бош қўй ва 7 бош эчки ўғирланган. Синчков изланишлар натижаси самарасиз қолмади. Ўғри шу хўжаликда чўпон бўлиб ишловчи Очил. Ю бўлиб чиқди.

Айтсак мисоллар кўп. Айниқса, ўсмирлар орасида жиноий ишларнинг олдини олиш юзасидан ҳам бир қанча амалий тадбирлар қўллаётирмиз.

Суҳбатдош: Илҳом КАРОМОВ.

CUKURS - BIZNESS ТАКЛИФ ЦУКУРС - БИЗНЕС ҚИЛАДИ:

Шакар етказиб бериш бўйича шартномамизга ҳиссадор бўлсангиз, **СИЗ ҲАР ОЙДА 20 ФОИЗДАН 27 ФОИЗГАЧА ФОЙДА ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.**
5000 сўмингиз бир ой ичидаёқ 6000 сўмга кўпаяди.

Ҳар бирингиз биз билан ҳамкорликда маблағ ишлаб топишингиз мумкин.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Ниёзбек йўли (аввалги Урицкий) кўчаси, 6-уй, 101-хона. Телефонлар: (3712) 60-04-17, 34-05-07, 34-00-98.

Бунинг учун фақат кўнгироғингиз кифоя!

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс: 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Самарқандда -- 35-22-90;
Бухорода -- 3-54-87; Тошкентда -- 33-12-56;
Гулистонда -- 2-26-22; Урганчда -- 6-51-35;
Жиззахда -- 3-31-86; Фарғонада -- 26-37-16;
Навоийда -- 3-75-43; Қаршида -- 3-25-79;
Наманганда -- 6-43-43; Қумқўрғонда -- 5-26-24.
Нукусда -- 7-58-83;

Навбатчи муҳаррир Қ. ЭШМАТОВ, навбатчи У. ФАЙЗИЕВА.

Сотувда эркин нархда.

● *Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120*
● *Газета офсет усулида А—2 форматида босилади*
● *Ҳажми 2 босма табоқ*
● *Г — 062*

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. *Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 23.00.* 1 2 3 4 5 6.